

Э, ошнам, ичим тўла хасрат, сиз сўраманг, мен айтмай. Суришираман десангиз, калаванинг учи кирк йилнинг нари-берисига бориб такалади. Ўшанда мен ўн тўртга кирган етим бола эдим. Отам хам, онам хам хаётдан bemavrid кетдилар. Онамни-ку, хасталик кулатди. Аммо отам хали-бери хаётдан умид узадиган эмасди, уни кўшнимизнинг хўқизи сузиб ўлдирди. Мен бувам билан бувимнинг карамогида колдим. Бувимнинг ўнг кўллари ишламай кўйиб, уй юмушларини бажаришга кийналгач, бувам мени уйлантиришга карор килдилар. Мендан: “Уйланасанми?”-деб сўраб хам ўтиришмади. У пайтда сенинг рози-ризолигинг билан хисоблашишмасди, кексаларнинг ўзлари ишни пишитиб кўя колишарди. Бир куни тасодифан чол-кампирнинг маслахатларини эшитиб колдиму бувамнинг бу аҳди катъий эканини англадим. Бувим аввалига “хали ёш”, деб эътиroz билдирилар. Бирок бувам: “Ёшлиги колибдими, овози раста бўлганини сезмаяпсанми? Юлдузига тўгри келадиган киз топиш керак”, деб гапни калта килдилар.

Мен йигит кишининг нима максадда уйланишини тузукрок билмасам-да, кандай киз топишар экан, деб кизикиб юрдим. Бир куни яйловдан келсам, уйимизда факат узун бўйи билан эмас, хунари билан хам кишлокка беш кўлдек маълум бўлган, белбогига хамиша кайчи осиб юрадиган тикувчи ўтирибди.

-Рамадон, бўтам, амакинг сенга чоловор тикиб бериш учун келибди. Рангли чоловор киясанми ёки одмисиданми?-деб сўрадилар бувам..

Шундан бўлак мендан хеч нимани сўрашмади. Хатто фотиха килишда хам, тўйда хам менинг истагим билан мутлако кизикишмади. Тикувчи чоршанба куни келган эди, пайшанбада рангли чоловор тайёр бўлди. Жума куни эса тўй бошланди. Ногоралар чалинди. Дошкозондаги шўрва бикирлаб кайнайди. Мен эса “Келин ким экан?” деган хаёлда гарангман. Охири чидамасдан бувимдан сўрадим.

-Келин бу кишлоклик эмас, тогдан,- бувим шундай деб гапни калта килдилар-да, ўз юмушлари билан овора бўлдилар. Мен эсам “Келин ёшми, ўзи канака?” деб сўрашга уялдим. Хаммаси окшомда аён бўлди. Мулла никоҳ ўкигач, келин билан ёлгиз колдик. Ха, айтмокчи, унга кадар бувам мени бир четга тортиб, узок чайналдилар.

-Сен ёш бола эмассан,-дедилар,-сен энди эркаксан! Хакикий эркаклигингни шу кеч исбот кил. Тушундингми? У ёр-бу ерини тимдалаб бўлса хам... Йўкса, кишлокдагилар олдида уятга коламиз.

Бувамнинг нима деяётганларига тушунмай туравердим. Шундан кейин аччикланиб, менга хамма гапни лўнда-лўнда килиб тушунтириб бердилар.

Келин билан ёлгиз колгач, ярим соатча кимирламай жим ўтирдим. Гапирай десам, хаёлимга дурустрок сўз келмайди. Бошига ташланган рўмолни кўтарай дейману журъат килолмайман. Нихоят, унинг ўзи юзини очди. Мен уни кари хотин, десам, ўзим тенги ёш кизалок экан. Оппоккина, кўзлари кўм-кўк, киприклари узун-узун. Худди капалакка ўхшаган нозик бу кизга анграйганча караб колибман. У бирдан кулиб юборди-да:

-Уляяпсанми?-деб сўради.

-Ха... Озгина...

-Нимадан уяласан? Чоловоринг жуда чиройли экан. Белбогинг хам. Бизбизак ўйнамаймизми?

Мен “ха” ёки “йўк” дейишга улгурмасимдан у бељогимдан ушлаб тортди. Дам у чир-чир айланади, дам мен. Шу зайлда хўроз кичкургунча ўйнабмиз. Бирдан бувамнинг гаплари

эсимга тушиб, ўйланиб колдим. “Хозир тонг ёришади. Кейин келиб сўрашади”. У хаёлга ботганимни сезган экан, сабабини суриштириди. Мен бор гапни яширмай, унга айтдим. -Шуни ўйлаб, ташвишланиб ўтирибсанми?- у шундай деб нимадир килган эди, бурнидан кон келди. Бу конни кимларга кўрсатишиди, кейин нима килишди, билмайман. Бўлган гап шуки, тўйдан сўнг биз Силвина билан тотув яшай бошладик. Унинг номи энди “хотин” бўлгани билан, аслида киз бола эди. Мен Силвинани тобора каттикрок яхши кўра бошладим. Юрагимнинг ришталари унга тинмай чирмашаверди. Окибатда эса ришталарга кўшиб юрагимни хам илдиз-пилдизи билан сугуриб олишлари мумкинлигини билмабман.

Хаётимиз сокин оккан сув каби эди. Лекин бу сувнинг остида орзуларимизни чилпарчин килувчи коялар борлигини пайкамабмиз. Силвина хамиша уй юмушлари билан банд бўларди. Бувимга каарди, даладан кайтишимизга овкат тайёрлаб турарди. Уйимиз чиннидек тоза. Ховлинни гулларга кўмиб ташлади. У чаккон, нозик дидли, озода киз эди. Хар куни олтинранг соchlарини тараб, ўрарди. Сал наридан карасангиз, сочи сарик эмас, кизилга ўхшаб товланади. Янада узокрокдан каралса, соч эмас – тилланинг ўзи! Менинг маҳлиё бўлиб турганимни пайкаган бувам дархол томокларини кириб, огохлантириб кўярдилар.

-Кани, Рамадон, эчкилар очдан ўлмасин тагин. Хайда!

Шу эчкилар хам баъзан жонга тегарди. Эрталабдан кечгача бошларини ўтдан кўтаришмайди. Эчки зоти жуссаси кичкина бўлгани билан дунёнинг бор ўтини еса хам тўймаса керак. Мен жониворларни ўтлокка кўйиб юбораманда яна ширин хаёлга берилиб, Силвинамни ўйлайман. Тезрок кош корая колса-ю, уйга кайтсам. Аммо куёш аксига олиб кок тепамда туриб олади. Ётогига энай демайди. Бир сакраб кўлимдаги таёк билан уни туртиб юборгим келади. Баъзан эса туртиб ерга тушириб, кўмиб кўйишни ўйлайман. Факат тун бўлса-ю, тонг сира отмаса дейман. Менга колса Силвинамнинг ёнида ётаверсам, соchlарини силасам... Мен унга Филибадаги катта бозорга борганимизда албатта катта тарок олиб келаман, деб ваъда килгандим. Бирок, ваъдамни бажаролмай, додга колдим.

Бир куни бувам билан пичан ўримига бордик. Уйга шошилиб, согиниб кайтсамки, келин йўк! Уй хувиллаб турибди. Силвинани акалари зўрлаб олиб кетишганмиш. Бувим бечора начорликдан кўз ёши оқизиб колаверибдилар.

Коним кайнаб кетди. Пичокнинг дастасини маҳкам ушлаганимни сезган бувам кўлимни тутиб: “Арконни бер!”-деб бакирдилар. Бувим эса дархол буйрукни бажо келтирдилар. Бувам мени дарахтга маҳкам bogлаб кўйдилар.

-Эсингни ема, бола! Сен менга тириклийн кераксан. Мен эварамнинг овозини эшитишни истайман. Хасан Дурвишев наслининг тугашига йўл кўймайман! Аввал ўзингдан зурриёт колдир, ана ундан кейин билган ишингни килавер.

Бувам шундай дедилару эшакка миниб тог орти томон йўл олдилар. Сал нари боргач, ўгирилдилар-да, бувимга караб бакирдилар:

-Дурвишевнинг наслини асра! Агар ечиб юборсанг, каллангни оламан!

Бувим чолларининг феълларини билганлари учун бу буйрукни сўзсиз адo этдилар. Хар канча ялиниб, ёлворсам хам ечмадилар. Юрагим тошиб, ёрилиб кетаётган бўлса-да, бувамнинг кайтишларини кутишдан ўзга чорам йўк эди. Силвинамнинг акаларига инсоф бер, деб Худога илтижолар килдим. Эрталабгача банди холида турдим. Тонгда бувам келдилар. Эшак тез юрганидан оғзи кўпириб кетибди. Йўлни кискарок олиш максадида тиканзорни тик кесиб ўтишган шекилли, бувамнинг кийимлари титилибди. Бувам

саломимга алик хам олмасдан индамай якинлашиб мени ечиб олдилар-да, уйга киритиб, эшикни тамбалаб кўйдилар. Чол-кампир кўшни хонага киришди. Бу икки хонани юпкагина девор ажратиб туради. Юкорироқда латта тикиб кўйилган туйнук оркали уларнинг гапларини бемалол эштиш мумкин эди.

-Келиндан ажрабмиз!-дедилар бувам хоргин товушда.-Бехаё акалари унинг хали хам киз эканини билиб колиб, Руфатга икки эчки эвазига сотишибди.

-Энди нима бўлади?

-Нима бўларди... Руфатга кўшиб кўйишади.

-Хеч иложи йўқмикин?

-Канаканги илож?! Бегонадан бўлган болани корнига жойлаган келинни бошимга ураманми? Дурвишевларнинг кони шу топгача бузилмаган, бундан кейин хам бузилмайди!

-Энди нима киламиз бўлмаса?

-Нима килишни ўзим биламан. Руфат бу дунёга келганига хали пушаймонлар ейди.

Кўшотарни нак оғзидан кўяман. Лекин хозир унга тега олмайман. Майли, кайфини суриб юра турсин, чидайман. Аввал Рамадонни уйлаб, боласининг овозини эшитай, кейин...

Бу гапларни эштиб, тошдек котиб колдим. Кун ёйилгач, бувам муллани бошлаб келдилар. Куръонни ўртага кўйиб, мени “сўкишмайман, муштлашмайман, ўзимни дарёга ташламайман, жонимга касд килмайман”, деб касам ичдиришди. Бола кўрганимдан кейингина бу касам кучдан кетар экан.

Шу йўсинда ихтиёrimни жиловлаб кўйишди. Хамма дардимни ичимга ютавердим. Юрагим игналар санчилавериб илма-тешик бўлиб кетгандай туюларди. Силвинанинг кишлокка кайтганини эшитгач, дод деб юборай дедим. Руфат девор-дармиён кўшнимиз эди. Аммо Силвинанинг кайтганини хеч ким кўрмаганди. Бир ойгача у хатто ховлисига хам чикмади. Кейинчалик воеа ойдинлаша бошлади.

Силвина менга тегиб, ховлида уй юмушларини бажариб юрган кезлари Руфат уни бир кўргану ошику бекарор бўлиб колган экан. Девордан кўз илгамас туйнукча очиб, уни ўгринча кузатиб ўтирас экан. Руфат мендан етти ёш катта эди. Аммо на ўтин тергани борарди, на далага чикиб ишларди, на кассоб отасига кўмаклашарди. Турган-битгани гирт танбал, такасалтанг эди. Уларнинг иккита эчкиси бўларди, икковининг бўйнига хам кўнгирок осилган эди. Силвинанинг Ражаб ва Умар деган чўпон акалари ана шунака эчки учун ўзларини томдан ташлайдиганлар тоифасидан эди. Руфат уларнинг ана шу ожизликларидан фойдаланибди. Ражаб билан Умар шу эчкиларга харидор бўлишганида у номард бунинг эвазига Силвинанинг сўрабди. Сингилларининг хали хам киз эканини билиб колишгач, улар Руфатнинг шартига кўнишибди.

Мен Силвинани жуда-жуда кўргим келарди. Лекин вахший Руфат хотинини сира уйдан чикармас эди. Ўйлаб-ўйлаб чорасини топдим: кош корайиши билан томга чикиб, мўрини паналаб, Руфатнинг деразасига караб ётдим. Унинг деразаси жуда кичкина эди. Бирок, ичкарида чирок ёкилгач, кўзим баъзи нарсаларни илгади. Юмалок хонтахта атрофида ўтириб овкатланишди. Кейин хонтахтани кўтариб, четга олишди. Кейин... жой солинди. Кейин Руфат белбогини ечди. Силвина эса унга карамай, бошини эгганича тураверди. Руфат уни багрига босди...

Унинг уйида керосин чирок милтиллаб ёнар, менинг калбим эса шамчирок каби сўнаётганга ўхшарди. Назаримда юрагим уришдан тўхтаган эди. Нафас хам олмасдим.

Аслида юрагим одатдагидан каттик тепар, вужудим газабдан титрарди.

Менинг томга чикишларимни бувим сезиб колиб, бувамга айтиб бердилар.

-Ишинг бўлмасин, карайверсин,-дедилар бувам.-Каҳрини кайраса, минбаъд никоҳ кечаси келиннинг бурнини конатмайдиган бўлади.

Бувамнинг хак ёки ноҳак эканликларини тахлил килиб ўтирумайман. Аммо унинг каҳр-газаб хакидаги гапи чин эди. Агар одамнинг дарди ошиб-тошиб кетса, каҳр-газабгина уни бу азобдан куткаради. Ичига сомон тўлгазилган полиз кўрикчисини кўрганмисиз? Ташидан одамга ўхшайди. Бирок ичидан сомондан бўлак хеч вако йўқ. Юрек хам, суяқ хам йўқ унда. Яхшилаб тойланган сомонгина унинг каддини тик тутиб туради. Менда эса юрак бор. Ичим сомонга эмас, газабга тўлган. Мана шу газаб каддимни кўтариб турибди. Каҳримнинг бари Руфатга каратилган. Руфат бир зум хам хаёлимдан кўтарилилмайди. Далада хам, яйловда хам уни ўйлайман. Эрталаб хам, кечкурун хам уни ўлдириш йўлини излайман. Болта билан чопиб ташласаммикин ёки корнига пичок тикиб, бураб-бураб олсаммикин? Шундай килганим дуруст. Дарров ўлмайди. Тозза азоб чекади. Ичак-чавогини оёғим билан эзгиласам-ку, росса хумордан чикаман. Йўқ, буниси бўлмайди. Етарли азоб чекмайди. Бўгиб ўлдирганим маъкул. Озгина бўгиб, сўнг бўшатсам, кейин яна бўгсам... Йўқ, буни эплаш кийин. Томогига бир чанг солгач, кўйиб юбормасам керак. Кийналмай дарров ўлади-колади... Шу зайлда уни минг марта ўлдириб, терисини шилиб, минг марта тирилтиридим. Бошим говлаб кетди. Кўлларим титраб, тишларим гижирлайдиган бўлиб колди. Полиз кўрикчиси сомони билан ёниб кетди – алахлайдиган бўлиб колдим.

Бувам бу ахволимни кўриб, саросимага тушдилар. Тўгрисини айтсам, бувамнинг хавотирлари менинг тобим айниганидан эмас, балки Дурвишевлар авлодининг, зурриётнинг такдири кил устида илиниб колганидан эди. Бир оз ўзимга келганимдан сўнг, кўлимдан етаклаб Триградга – бакалок Ойша холаникига олиб бордилар. У менга турли гиёхлардан тайёрланган дорилардан ичирди, баданимга кандайдир бадбўй мойларни суртди. Бир хафтадан кейин алаҳсирамайдиган бўлдим. Лекин бувам мени кишлокка кайтаришга шошилмади. Ойша холага:”нима килсанг киласан, лекин болам эр йигит бўлиши шарт”, деб яна ташлаб кетди.

Бошимга яна бир бало ёгилди: аччик овкату кўланса дорилар азобида колдим. Ойша холанинг муолажасими ё ёшимнинг улгайишиими сабаб бўлиб, бир неча ойдан сўнг ўзимни бошкacha сеза бошладим. Ана шундан кейингина бувам етиб келдилар.

-Энди уйлантирсам бўлади. Руфатнинг конини кўмсайвериб, тинкам куриди,-дедилар.

-Мени истасангиз уйлантиринг, истасангиз тириклайн кўмиб ташланг, аммо Руфатга тега кўрманг. У билан ўзим хисоб-китоб киламан,-деди бувамга.

Кўп тортишувлардан сўнг, бувам таслим бўлдилар. Руфатга кўл кўтармайман, деб онт ичдилар. Мен Триграднинг ўзидаёк уйландим. Бу сафар никоҳ кечаси бизбизак ўйнамадик. Хаммаси рисоладагидек бўлди. Ой-кунлар ўтиб, бола хам тугилди.

Бувамнинг курсанд бўлганларини, кувона-кувона кулганларини дадамнинг вафотларидан бери кўрмаган эдим. Эвараларини кўлларига олиб ростманасига яйраб кулдилар... Кейин... орадан уч кун ўтгач, бехосдан кайтиш килиб бердилар. Туппа-тузук юрган эдилар, келиб ўринларига ёнбошладилар, жилмайдилар, ковоклари учди. Кейин менга тикилиб карадилар:

-Худога шукур, Дурвишевларнинг зурриёти куrimайдиган бўлди. Дадангга бу хайрли хабарни етказай энди. Руфатнинг жонини эса сенинг кўлингга топшириб кетаман...

Шундай дедилару осонгина жон бердилар.

Ана, мулла Рамадон, елкангизга етарлича юқ тушди. Бир кўлда душманингиз, бир кўлда болангиз ва хотинингиз! Эплай олармикинсиз?

Ичига сомон тойланган бўлса хам, полиз коровули тирговичсиз тик туролмайдиган бўлиб колди. Бошим рўзгор ташвишидан чикмайди. Эчкиларни ўтлокка хайдаш керак, даланинг ишлари хам менинг зиммамда... Жигарим билан юрагим эса кассоб Руфатнинг кўлларида – истаган кўйига солади.

Аввал боламнинг сал каттарок бўлишини кутишга карор килдим. Бола кўкракдан ажралиб овкатга ўрганса, Руфатнинг корнини ёраман... Кейин боламнинг тетапоя бўлишини кутдим. Бу пайтда Силвина хам кўлида бола кўтариб ховлига чикадиган бўлди. Узок йўл юриб чарчагандай ховлида секин юради. Юзини рўмол билан тўсган. Бирок, бизнинг ховли томонга караб-караб кўяди. Мен девордаги туйнукдан, Руфат эса деразасидан тикилади. Хотиним мени бетиним кузатади. Бахтимга у рашкчи эмас. Нима учун девор якинидан кетмай колганимни билса хам индамайди. Йиглаб-йиглаб ўзини овутади.

Кунлар шу зайлда ўта бошлади. Даладан хам, яйловдан хам окшом тушмай кайтаман. Бирров бўлса хам девордаги тешиқдан мўралайман. Силвинани кўрсам кўрдим, бўлмаса тун бўйи Руфатнинг терисини шиламан, бўгаман, захарлайман. Хуллас, ўлдиришнинг неча хил тури бўлса, барчасини бажараман. Шунда хам кўнглим таскин топмайди. Руфатни ўлдиришга катъий карор киламан. Кўлимга пичок хам оламан. Аммо бу ишим учун камокхонага тушишим аникилигини, ундаги девор тешигидан мўралаб Силвинани кўриш мумкин эмаслигини ўйлайман-да, фикримдан кайтаман.

Кунни кун, ойни ой, йилни йил кувиб ўтаверди. Болалар тугилаверди. Дурвишевларнинг авлоди томир ёйиб кўпайди – бувам орзу килганларидан хам зиёдарок бўлди. Бувамнинг зурриёт бобидаги ташвишларига энди хеч кандай ўрин колмади. Руфатнинг ховлисини ажратиб турган тахта девор чириди. Лекин алам эскирмади, кайралган тишлар чиримай колаверди. Амалга ошмаган орзулар сўнмади.

Руфатнинг кассоблик дўконини ёпиб кўйиши. Дард устига чипкон бўлиб, ёшлидаги тараалла-бедодлари, арокхўрликлари мева тугди: хасталик унга азоб бера бошлади. У нодон шунда хам аклини йигмай, аксинча, понани пона билан чикарадилар, деб самогонга ружу кўйди-ю, окибатда кўрпа тўшакка михланди. Кизи бошка кишлоклик йигитга турмушга чиккач, Силвина ногирон Руфат билан ёлгиз колди. Бир куни каттик шамол туриб, ўртадаги чириган тахта девор кулади. Кўп ўйлаб ўтирмай Руфатниги худди ўз уйимга киргандай кириб бордим. Илк марта учковимиз бир ерга тўпландик. Кирк йил бадалида кўзларимиз энди тўкнашди.

Мен хам Худонинг бир гунохкор бандасиман-да, ошнам, шу десангиз шайтоннинг васвасасига берилиб, Руфатнинг кўз олдида Силвинани багримга босмокчи, унинг эса аламдан азоб чекишини томоша килишни ўйладим. Томдаги мўрини паналаб ётган кечаларим ёдимга тушди. Бирок: “У хайвонлик килган бўлса, сен одамсан-ку!”- деб васваса килаётган шайтонни кувдим.

Энди муносабатларинг кандай, дейсизми? Оббо ошнамей, муносабатимиз ўша-ўша. Руфат хамиша совукдан какшагани какшаган. Ўтин келтирай деса, эшаги йўк. Силвина кийналмасин, деб ўтингларни мен келтириб, печларини хам ўзим ёкиб бераман. Хар куни бир эшак ўтин келтираман. Барибир етмайди. Ўрмончилар жарима соламиз, деб гавго кўтаришяпти. Шунинг учун кечаси дарёни кечиб ўтяпман. Мени кирк йил бадалида дам чўг устида, дам муз устида ялангоёк саклаган бандани иситиш учун жонимни жабборга бераман. Килмай десам бўлмайди. Силвинага раҳмим келади. Баъзан овкат ейишига хам ўзим балогардонман. Баъзан, айбга буюрсангиз хам айтай, тагларини тозалашга хам тўгри келади. Силвина нозик аёл, бунака ишларга кийналади. Шунинг учун камина

Руфатнинг атрофида парвона. Хамкишлоклар: “Кўшни деган киройи Рамадондай бўлса”, деб хамду сано ўкишади. Бирок хеч ким ичимдагини билмайди. Ичимда гўё кўргошин кайнайди. Ўладиган бўлса, тезрок омонатини топшира колса-ю, Силвинага уйлансан, эр-хотин бўлиб бир тўшакда ётсам, дейман. Хотиним хам, болаларим, невараларим хам кўзимга кўринишмайди. Нима бўлса бўлар, дейман. Аммо Руфат без бўлиб ётиб олган – худди мени масхаралаётганга ўхшайди. Ё ўлмайди, ё тузалмайди. Вакт эса ўтяпти. Тиззаларимда мадор йўк, оёкларим титраяпти. Бу ахвол давом этаверса, назаримда Силвина билан эр-хотиндай ётсак хам, ака-сингил бўлиб турсак керак. Руфат хам кийналяпти, биз хам. Бечора икки йилдан бери дўзахнинг эшигини такиллатиб ётибди. Очила колса бўлмасмикин бу эшик! Бўгиб ўлдира колай, десам, кўлим бормайди. Бир-икки кун совукка кўйсам-ку, тайёр бўлади-я. Лекин Силвинанинг умидвор кўзларига кўзим тушса, эшакни етаклаб ўрмонга жўнаганимни ўзим хам сезмай коламан. Нима килишни билмай, бошим котган. Агар фикрингиз ожизлик килмаса, менга бирор жўяли маслаҳат беринг. Бўлмаса, анави ўтинларни эшагимга ортишиб юборинг. Тезрок бора колай, шўрлик жон уйида совукдан тишлари такиллаб ётгандир.

Тохир Малик таржимаси